



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Иқтисодиёт ва менежмент

факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг
моддий ресурсларга бўлган талабини аниqlаш

ИК-316 гурух талабаси

Бажарди: Х.Нўмонов

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:	
Кириш.....	3
1. Моддий ресурсларнинг иқтисодий табиати ва корхона фаолиятида тутган ўрни.....	5
2. Моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти.....	9
3. Айланма маблағларнинг иқтисодий моҳияти ва корхона фаолиятидаги роли.....	13
4. Айланма маблағларнинг таркиби, тузилиши, шаклланиш манбалари ва уларни нормаллаштириш.....	15
5. Айланма маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари.....	20
Хулоса ва таклифлар.....	23
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	25

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятда инсонлар ўз эҳтиёжлрини қондришлари шарт, чунки ҳаёт кечириш — эҳтиёжларнинг қондирилишини англатади. Ҳаётий эҳтиёжларнинг турларикўп: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва соғ физиологик эҳтиёжлар. Улар жамиятнинг иқтисодий тараққиёти даражасига, ижтимоий-иқтисодий тузумига, ҳаёт кечиришнинг табиий-географик шароитига, тарихий-миллий анъаналар ва одатларга боғлиқдир.

Иқтисодиёт қолоқ бўлса эҳтиёжлар доираси тор ва, аксинча, ривожланган бўлса эҳтиёжлар дораси кенгаяди ва хилма-хил бўлади.

Инсон эҳтиёжини тўлароқ қондиришнинг негизида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш воситасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ётади. Мамлакат моддий ишлаб чиқариш қанчалик юксалса шунчалик кўпроқ ялпи маҳсулот ва миллий даромад яратилади.

Мамлакатни модернизация қилиш даврида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жихатдан янгиланаётганидан далолат бериб келмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жихатдан тадқиқ қилиш, методалогик муаммоларни хал қилишга улгуриш қийин бўлмоқда.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган молиявий таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда, асосан, унинг тасарруфидаги активларни урганиш билан чекланиб қолмоқда. Бу бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва методологик жихатдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай корхона бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ракобатда ютиб чикишга ўзларининг

манфаатларини мутлок кондиришга харакат қиласынан шу харакатларни мамлакат ички бозорининг туйинишига олиб келади.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қуяр эканмиз, энг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган ўринишлардан, бозор иқтисодиёти узини узи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан вос кечдик.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимиға ўтиш жараёнида тадрижий ёндошувни, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамоилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

1. Моддий ресурсларнинг иқтисодий табиати ва корхона фаолиятида тутган ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида молия хўжалик фаолиятини амалга оширишда моддий ресурсларнинг ўрни нихоятда каттадир. Моддий ресурслар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда ката роль уйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш кувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб чиқариш базасини ташкил этади.

Марказлашган режали иқтисодиёт таҳлилига оид адабиётларда корхонанинг моддий бойлиги (ресурслари)ни ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қараш кўзда тутилган эди.

Уларнинг таҳлили барча ресурслар таҳлили деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари хукм сураётган хозирги шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг таркибига муаллифлик хукуклари, патентлар, нау-хау, савдо маркалри, рўхсатномалар каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасада, корхонага худди моддий бойлик сингари фойда келтиради. Аммо уларни корхонанинг моддий бойлигига киритиш мумкин эмас, чунки уларнинг шакли, мазмуни ва мохияти жихатдан номоддийдир.

Корхонанинг моддий ресурслари таркиби куйдагилардан иборат:

1. Асосий воситалар.
2. Товар-мддий заҳиралар.

Корхона миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Ушбу ресурслар ичida энг муҳимларидан бири ва хўжалик юритища бирламчи аҳамият касб этадигани моддий ресурслар ҳисобланади. Моддий ресурслар бевосита корхона ташкил бўлишида асос ва унинг фаолиятида маблағ айланишини (пул-товар-пул) ҳаракатга келтирувчи воситалардир.

Корхонанинг асосий белгиси – уларнинг ўзларига тегишли мулкнинг мавжудлигидир. Айнан шу нарса корхонанинг моддий техник

имкониятларини белгилаб беради ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва келажагини таъминлайди. Муайян мулқдан фойдаланмасдан хеч корхона ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Корхона мулкини айланма маблағлар(активлар) ва узоқ муддатли активларга ажратиш мумкин. Бунда корхона мулкининг нафақат ижтимоий кўриниши, балки ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, аҳамияти ва корхона иқтисодиётiga таъсири ҳам ҳисобга олинади.

Корхоналарда узоқ муддатли активларнинг тузилиши ва таркиби бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Бироқ барча корхоналар узоқ муддатли активлари таркибида асосий фонdlар салмоқли ҳиссани ташкил этади.

Асосий воситалар – бу моддий бойлик бўлиб, ўзининг табиий кўринишини узоқ вақт мобайнида ўзгартирмайди ҳамда қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секинлик билан ўтказиб боради.

Асосий воситаларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар меҳнат жараёнида мулкий шаклини сақлаб қолиб, ҳар бир босқичдан кейин ишлаб чиқариш соҳасини тарқ этмайди. Хўжалик субъекти аниқ баҳолангандан иқтисодий фойда олишга ишончи бўлган тақдирдагина асосий воситаларни актив сифатида тан олади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида асосий фондалар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичida асосий ўрин эгаллайди.

Асосий фонdlар жамият моддий ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг 65 % дан кўпроғи асосий ишлаб чиқариш воситаларига тўғри келади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашади. У ўзининг амал қилиш цикли давомида ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта ишлатилади. Ишлаб чиқариш асосий фондалари босқичма - босқич эскириб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга тақсимлаб ўтказиб боради. Улар амортизация харажатлари ҳисобидан қопланади.

Корхона фаолиятида ноишлаб чиқариш асосий воситалари ҳам мухим ўрин эгаллайди. Улар ходимларга хизмат қиладиган турар жойлар, боғча, спорт муассалари, ва бошка маданий – майший хизмат қўрсатувчи обьектлардир. Ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли уларок, улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди. Улар ўзларининг қийматини маҳсулот қийматига ўтказмайди. Уларнинг қиймати истеъмолда йўқ бўлиб кетади. Уларнинг ўрни тўлдирилмайди. Улар корхона фойдаси ҳисобига такрор ишлаб чиқарилади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари ишлаб чиқариш хажми ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир ўтказмасада, ишчилар турмуш шароити билан боғлик ҳолда, албатта корхонанинг хўжалик фаолияти натижасига таъсир қиласди.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш воситалари иқтисодий ўхшашлигига қарамасдан, умумий мақсади ва хизмат қилиш муддати билан фарқланувчи меҳнат воситаларининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун уларни алоҳида хусусиятлари бўйича муайян гурухларга ажратиш зарурияти туғилади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш воситалари қўйидаги гурухларга бўлинади:

- ер участкалари, эгалик қилиш хукукига эга корхонага тегишли бўлган табиатан фойдаланиш обьектлари (сув, ер ости бойликлар ва бошқа табиий ресурслар);
- бинолар (ишлаб чиқариш – техник, ёрдамчи бинолар ва бошталар);
- иншоотлар (муҳандислик қурилиш обьектлари, кўприклар, электр узатиш мосламалари ва бошталар);
- машина ва жихозлар;
- ўлчаш ва назорат қилиш асбоблари, қурилмалари ва лабаратория жихозлари;
- ҳисоблаш техникаси;
- транспорт воситалари(ички ва ташки ишлаб чиқариш);

- қиймати энг кам иш хакининг 50 баробаридан кўп бўлган асбоб ва мосламалар;

- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари хўжалик ичидаги йўллар.

Асосий фонdlар алоҳида гурухлари ўртасидаги нисбат асосий фонdlарнинг қайси гурухи учун маблағ сарфланиши жамият учун аҳамиятсиз эмас. Чунки корхоналарни ишлаб чиқаришда асосий ўрин эгаллайдиган ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини характерлайдиган асосий фонdlарнинг актив қисми машина ва жихозларнинг кўпайиши қизиқтиради.

Асосий фонdlар актив қисмининг меъёрий ишлашини таъминлайдиган бинолар, иншоотлар, инвентарлар асосий фонdlарнинг пассев қисмига киради. Асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматида жихозлар ҳиссасининг ошиши бошқа teng шароитларда ишлаб чиқариш шароитининг ўсишига ва фонdlар қайтимининг ошишишга олиб келади.

Шунинг учун асосий фонdlар структурасини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг узишига, таннархнинг пасайишига ва корхона пул маблағларининг ортишига олиб келувчи шарт сифатида қаралади. Саноатнинг турли тармоқларига тегишли корхоналарда асосий ишлаб чиқариш воситалари структураси бир хил булмайди. Енгил ва озиқ-овқат саноатида бинолар асосий ўрин эгаллайди (44-46%), ёнилғи саноатида иншоотлар (17-19%), электр энергетика саноати корхоналарида ўзатиш мосламалари (30-33%), машинасозлик корхоналарида машина ва жихозлар асосий ўрин эгаллайди.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларига асосий таъсир қилувчи омиллар бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот характери, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, механизация ва автоматлаштирилганлик даражаси ва корхонанинг иқлим ва географик жойлашиши ва хусусиятлари ҳисобланади.

Биринчи омил биноларнинг қиймати ва ўлчамига, транспорт воситалари ва ўтказиш қурилмаларининг ҳиссасига таъсир қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши-махсус ишчи машина ва жихозлар

хиссасининг ошишига олиб келади. Худди шундай учунчи ва тўртинчи омиллар ҳам асосий фондлар тузилишига таъсир қиласи. Асосий фондлар таркибидаги бино ва иншоотлар хиссаси иқлим шароити билан ҳам боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган мулкчиликнинг турли хил шаклларида асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий жихатдан муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг роли кескин ошди, чунки бошқаришда олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб янги эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланди. Олдин таҳлил асосан режа қўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган эди. Эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган-кўргазмани буйруқни бажаришга қаратилмасдан, балки мустакил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу ўз навбатида таҳлилнинг ролини янада оширади. Корхоналарни таҳлил қилиш орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилади.

Таҳлил қилишнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалари:

1. Корхонанинг бизнес режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
2. Бизнес режанинг бажарилиши корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаши, унинг иқтисодий қудратини яхшилаши, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларини ўрганиш;

3. Ҳар бир йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни иш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш;

4. Хўжаликда мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш;

5. Корхонани бошқаришни энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқиш, тегишли ахборотлар манбайнин етказиб бериш кабилардан иборатdir.

Шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилнинг вазифаси ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти шу даражада серқирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жихатларини ўрганиш лозим.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўймаслик чора тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишида такомиллашуви ва самарадорлиги ошиб бориши таъминланади.

Эркин бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши даврида корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатига эътиборнинг кучайишига куйидаги вазиятлар таъсир кўрсатади:

1. Марказлаштирилган режали иқтисодиёт даврида корхоналар фаолиятнинг натижалари, авваламбор ишлаб чиқариш дастўрининг бажарилиши, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг хажми билан ифодаланган бўлса, эркин бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолияти молиявий натижалар (молиявий кўрсаткичлар) – фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари билан ифодаланади. Бу ўз навбатида бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатига эътибор ошаётганлигидан далолатdir.

2. Ҳар қандай жамиятда корхоналар фаолиятини ташкил этишда хўжалик юритиш усулларидан фойдаланиллади. Шундай усуллардан бири хўжалик хисоби усулидир. Хўжалик хисоби усули собик иттифок даврида шаклланди ва мамлакатимизда кенг фойдаланилди. Чунки уша даврда

корхона ва ташкилотлар фаолияти хўжалик хисоби тамоиллари асосида ташкил қилинган эди.

Бироқ бу даврда кўпгина корхона ва ташкилотлар фаолиятида хўжалик хисоби формал равишда фойдаланилган эди. Айрим корхоналар давлат бюджетига хеч қандай фойда келтирмас эди, яъни доимо зарап билан ишлаб, давлатдан ҳамма вақт дотация ва субсидия олиб, хаёт кечиради. Бу корхона ва ташкилотлар хўжалик хисобининг асосий тамоили – ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларини амалга оширганлар. Чунки бу холат маъмурий буйруқбозлик ва расмиятчилик тизимининг асосий хусусиятларидан бири эди.

Эркин бозор муносабатларига ўтиш билан молиявий натижа асосий кўрсаткичга айланди эди. Корхоналар фаолияти энди юзаки эмас, хаққоний хўжалик хисоби амалга оширилиши лозим. Демак, корхоналар фаолиятида молиявий натижаларининг тутган ўрни ошиб боради, бозор иқтисодиёти хўжалик хисоби усулини инкор этмай, уни қабул қиласи ва хаққоний хўжалик хисобини амалга оширади.

3. Маълумки, марказлаштирилган режали иқтисодиёт маъмурий буйруқбозлик ва расмиятчилик даврида корхоналарнинг маблағларга бўлган эҳтиёжлари асосан давлат бюджети томонидан молиялаштириш йўли билан копланар эди. Эркин бозор муносабатлари даврида эса корхона ва ташкилотларнинг кушимча маблағларга бўлган эҳтиёжлари кредитлаштириш орқали қондирилади. Бунинг учун корхоналар ўз фаолиятини самарали ташкил қилишлари, олинган кредитларни ўз вақтида кайтариб бериш қобилятига, яъни керакли даражада молявий имкониятларга эга бўлишлари керак.

4. Марказлаштирилган режалаштириш тизимида бутун корхона ва ташкилотлар давлатники бўлганлиги ҳамда унинг қарамоғидалиги учун доимо давлат рахнамолигидан фойдаланганлар давлат уларга ҳамма вақт молиявий ёрдам бериб турган.

Бозор муносабатлари даврида эса давлат томонидан ёрдам камайиб боради. Корхона ва ташкилотлар кенг иқтисодий мустақилликга эга бўлиб, ўз фаолиятига ўzlари жавоб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотлар ўzlарининг керакли молиявий кўrsatкичларига эга бўлишлари керак.

5. Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан корхоналараро рақобат тизими шаклланди. Корхоналар банкротликка учрамаслик учун бозор муносабатларининг талабларига жавоб бера бориб, ўз фаолиятини яхши молиявий ҳолатда ушлаб туришлари лозим.

Шундай қилиб республикада бозор иқтисодиётининг шаклланиши муносабати билан корхоналарнинг молиявий ҳолатига, уни таҳлил қилиш энг долзарб масалаларига, шунингдек молиявий таҳлил қилиш услубини урганиш, узлаштириб олиш корхоналарнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан уларнинг масъулиятини янада оширади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий эркинлиги ходимлар масъулиятининг ошганлиги ҳам фаолиятни чуқур таҳлил қилишни тақазо қиласди.


Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш тизими яратилган бўлиб, асосан режанинг бажарилиши ва унга таъсир килувчи омилларни давлат нуктаи назаридан кўриб чиқиласди. Эндиликда эса таҳлилнинг мазмуни шакли ва утказиш усуллари ўзгарди. Хозир таҳлил энг аввало мулкдор томонидан ўтказилаб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Бу ерда меҳнат жамоаси ва давлат манфаатларининг уйғунлиги таъминланиши лозим. Шу нуктаи назардан таҳлилни янги талабга мос ҳолда шакллантириш мухим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий таҳлилда корхона раҳбари ёки бошқарувчиси ишлаб чиқаришни батафсил ўрганиши лозим. Бунинг учун кўrsatкичлар тизимидан фойдаланиш зарур бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни бозор механизмининг тақомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлаб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақазо қилмоқда. Чунки мулқдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишдан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун тадбиркорлик ва ақл билан иш кўриш лозим.

3. Айланма маблағларнинг иқтисодий моҳияти ва корхона фаолиятидаги роли

Корхоналарда ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши учун узок муддатли активлар билан бир қаторда айланма (жорий) активлар ҳам зарур бўлади. Айланма активлар ҳам корхона мулки ҳисобланади.



Моддий захиралар — ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири ҳисобланади. Амалиётда улар меҳнат предметлари ҳам деб аталади.

Меҳнат предметлари меҳнат воситалари билан биргаликда меҳнат маҳсулотини, унинг истеъмол қийматини яратишида ва қийматнинг шаклланишида қатнашади.

Меҳнат предметлари ишлаб чиқаришнинг бир циклидагина қатнашади ва ўзининг натурал шаклини ўзгартиради, қийматини тўлиқ янгидан яратилган маҳсулот қийматига ўтказади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганидан кейин, уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағлар корхонага қайтади ва доимо оборотда қатнашади. Корхонанинг маблағлари доиравий айланишнинг турли босқичларида: пул, ишлаб чиқариш воситаси ва тайёр маҳсулот (товар) шаклида бўлади.

Корхоналар маблағларининг доиравий айланиши жараёнида, албатта, дебиторлик қарзлари пайдо бўлади. Бу табиий ҳол.

Дебиторлик қарзлари — бу харидорлар ва буюртмачиларнинг сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва қўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, турли юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум мақсадларда олган маблағлари учун корхона олдидағи мажбуриятидир.

Айланма маблағлар — бу айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондларининг пулдаги ифодасидир.

Айланма маблағлар ҳар доим бир вақтнинг ўзида доиравий айланишнинг барча босқичларида мавжуд бўлади — пул маблағлари, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар кўринишида.

Корхона айланма маблағлари доимо ҳаракатда бўлади — муомала соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига ўтади ва ҳоказо. Айланма маблағлар айланиши корхона томонидан моддий ресурслар ва ишлаб чиқаришга зарур бошқа элементлар учун тўланган вақтдан бошланади ва бу маҳсулотни сотишдан олинган тушум кўринишида харажатлар қопланиши билан тугайди. Кейинчалик пул маблағлари яна корхона томонидан моддий ресурслар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга киритиш учун ишлатилади.

“Ишлаб чиқариш омиллари бу – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслардир”¹.

Корхоналарда ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, маҳсулот (иш, хизмат) таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, уларнинг белгиланган ассортиментда ва сифатли ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланишига боғлиқ.

Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришининг бир маромда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида корхоналар узоқ муддатга

¹ Мэнкью Н.Г. Принципы Экономикс. – СПб: Питер Ком, 1999, стр.392.

мўлжалланган бизнес режаларга асосланган холда ишлаб чиқариш захираларини шакллантирадилар. Ишлаб чиқариш захиралари (мехнат предметлари)нинг ўз вактида олиб келинмаслиги ёки йўқлиги корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Корхоналар ишлаб чиқариш захираларига бўлган талабини мустақил равишда режалаштирадилар. Улар бозорлардаги (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) талабларни назарда тутган холда, нарх-навонинг ўзгариш тўғрисидаги ахборот ва ҳамкорларнинг имкониятларини ўрганиш асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини мустақил амалга оширади.

Иқтисодий рақобат авж олган шароитларда корхоналарнинг асосий мақсади – ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, жумладан, ишлаб чиқариш захираларидан тежаб-тергаб фойдаланиш орқали ўз фойдаларини кўпайтириш ва оқибат натижада фойдалилик даражасини оширишга эришишdir.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун замонавий янги техникалардан унумли фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этиш талаб қилинади. Улар ёрдамида айланма маблағларнинг ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

Иқтисодий рақобат шароитида корхоналарда айланма маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни қучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, маҳсулот таннархida моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилиши зарур. Мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан тўғри, тежамли фойдаланиш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

4. Айланма маблағларнинг таркиби, тузилиши, шаклланиш манбалари ва уларни нормаллаштириш

Айланма маблағлар таркиби ва тузилишини бир-биридан фарқламоқ керак. Айланма маблағлар таркиби дейилганда, айланма активларни ташкил этадиган элементлар йиғиндиси тушунилади. Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари ўртасидаги нисбат айланма маблағлар тузилиши дейилади.

Корхонанинг самарали иши — бу минимал харажатлар қилиб максимал натижаларга эришишdir. Харажатларни камайтириш — бу, аввалом бор, корхона айланма маблағларини шакллантириш манбалари тузилишини оптималлаштириш, яъни ўз маблағлари билан кредит ресурсларини оқилона ўйғунлаштиришdir.

Кредит ва кредиторлик қарзлари — бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарздорлигини билдиради.

Айланма маблағлар тўлиқ айланадиган, яъни ишлаб чиқариш ва муомала даврини ўтадиган вақт айланма маблағларнинг айланиш даври дейилади. Бу кўрсаткич корхонада маблағлар ҳаракатининг ўртacha тезлигини тавсифлайди. У маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муддатига мос келмайди.

Айланма маблағларни бошқариш энг кам микдордаги айланма маблағлар билан маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу корхона айланма маблағлари доиравий айланишининг барча босқичлари бўйича мос шаклда ва минимал (лекин, етарли) микдорда тақсимланиши лозимлигини билдиради.

Корхоналарнинг, ўзини-ўзи молиялаштирадиган ҳозирги шароитда, айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот (иш,хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи борича камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма маблаглари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар заҳиралари ва

харажатларини нормалаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айланма маблағларни нормалаштириш корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли заҳираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички заҳираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

Бироқ амалиётда корхоналарнинг барча айланма маблағлари ҳам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нормалаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги ишлаб чиқариш заҳиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи нормалаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутади. Айланма маблағларни нормалаштириш тежамкорлик режимига риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма маблағларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг нормаси, корхона моддий-товар бойликларининг минимал заҳираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, заҳира кунлари ва заҳира нормаларида ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг нормативи айланма маблағлар нормасини, нормаси аниқланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди ҳамда қоидага кўра, пул кўринишида ўлчанади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$\text{Най.м} = \text{Нич.з} + \text{Нт.ич} + \text{Нт.м}$$

Бу ерда:

Нич.з - ишлаб чиқарилган заҳиралар нормаси;

Нт.ич – тугалланмаган ишлаб чиқариш нормаси;

Нт.м - тайёр маҳсулот нормаси.

Айланма маблағларни нормалаштириш ва айниқса, моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- нормаларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
- нормаларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш техникавий жиҳатдан асосланганлиги;
- хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;
- чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;
- эскирган нормаларни қайта қўриб чиқиш ҳамда уларни фантехника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни нормалаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини аниқлашда қўлланиувчи - лаборатория техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни

нормалаштиришнинг мукаммалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини нормалаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш заҳиралари нормативлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш заҳираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари жорий, сұғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

Жорий заҳира □ бу, материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқариши мөддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган заҳирадир. Жорий заҳиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Мисол. Нон комбинати бир суткада 10 тонна ун сарфлайди, тегирмондан эса бир ойда бир марта ун қабул қиласди. Яъни етказиб бериш оралиғи 30 кунни ташкил қиласди. Демак, уннинг максимал даражадаги жорий захираси 300 (10x30) тоннани, ўртача жорий захираси 150 (10x30:2) тоннани, ун ҳар ўн кунда етказиб берилгандаги минимал жорий захираси эса 50 (10x10:2) тоннани ташкил қиласди.

5. Айланма маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

Корхоналарнинг асосий вазифаларидан бири - ресурсларни тежаш тамойилига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни жадаллаштиришdir. Тежамкорлик режимини таъминлаш буйича чора тадбирлар тизимида асосий ўринни моддий ресурсларни тежаш эгаллади.

Маҳсулот сифати, ишончлилиги ва узоқ муддат хизмат қилишига заар етказмаган ҳолда унга сарфланадиган хом ашё, материаллар, ёқилғи харажатларини камайтиришни билдиради.

Айланма маблағларнинг айланиш муддати қанча кам ёки сотилган маҳсулотнинг ўша ҳажмда айланишлар сони қанча кўп бўлса, айланма маблағлар шунча кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанча тез айланса, улар шунча самарали фойдаланилади.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини нормал таъминлашда, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда катта роль ўйнайди. Бироқ, айрим корхоналарнинг ўз молиявий ресурслари, нафақат кенгайтирилган, ҳатто оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ миқдорда таъминлашга етмайди. Корхонада зарур молиявий ресурсларнинг йўқлиги, тўловлар интизоми даражасининг пастлиги ўзаро тўламасликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши қабилар.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик микдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қиласди. Корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуидагиларни амалга оширишни талаб қиласди:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жихатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўtkазиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шаклларини қўллаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишини яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисбот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиёт қолоқ бўлса эҳтиёжлар доираси тор ва, аксинча, ривожланган бўлса эҳтиёжлар дораси кенгаяди ва хилма-хил бўлади.

Инсон эҳтиёжини тўлароқ қондиришнинг негизида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш воситасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ётади. Мамлакат моддий ишлаб чиқариш қанчалик юксалса шунчалик кўпроқ ялпи маҳсулот ва миллий даромад яратилади.

Мамлакатни модернизация қилиш даврида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жихатдан янгиланаётганидан далолат бериб келмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жихатдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларни хал қилишга улгуриш қийин бўлмоқда.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган молиявий таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда, асосан, унинг тасарруфидаги активларни урганиш билан чекланиб қолмоқда. Бу бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва методологик жихатдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Моддий захиралар — ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири ҳисобланади. Амалиётда улар меҳнат предметлари ҳам деб аталади.

Меҳнат предметлари меҳнат воситалари билан биргаликда меҳнат маҳсулотини, унинг истеъмол қийматини яратишида ва қийматнинг шаклланишида қатнашади.

Меҳнат предметлари ишлаб чиқаришнинг бир циклидагина қатнашади ва ўзининг натурал шаклини ўзгартиради, қийматини тўлиқ янгидан яратилган маҳсулот қийматига ўтказади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганидан кейин, уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағлар корхонага қайтади ва доимо оборотда қатнашади. Корхонанинг маблағлари доиравий айланишнинг турли босқичларида: пул, ишлаб чиқариш воситаси ва тайёр маҳсулот (товар) шаклида бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, қуидаги таклифларни бериш мумкин:

- Корхона моддий заҳираларини тежамли ишлатиш;
- Корхонадаги ишлаб чиқариш воситаларини доимий тарзда янгилаш туриш;
- Асосий воситалардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси:. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза килиш тўғрисида”ги 1993 йил 6 майдаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори.
6. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Корхона иқтисодиёти” фанидан маъruzalар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
7. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.
8. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Дарслик. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.
9. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
- 10.<http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
- 11.<http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.
- 12.<http://samarkand.uz> – Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.